
СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ХИТОЙ ТИЛИДА МОРФЕМАЛИ КОНТРАКЦИЯНИНГ SHOUQǔFǎ ВА HÉBǐNGǎ УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА

Бакаева Барно Бахтиёр қизи

Хитой тили ва адабиёти кафедраси

Тошкент давлат шарқшунослик институти таянч докторанти

barnodustmatova@gmail.com

For citation: Bakaeva Barno. ON THE DEEP AND DISTORTED METHODS OF MORPHEMIC CONTRACTION IN THE CHINESE. International Journal of Word Art. 2019, vol. 3, issue 8, pp. 60-72



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-3-7>

Келиб тушган сана 5 июль, 2019

Эълон қилинган сана 30 сентябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола хитой тилида кенг тарқалган сўз ясалиш усулларида бири бўлмиш морфемали контракция ҳақидадир. Бунда морфемали контракциянинг "ажратиш орқали қисқартириш" ва "бирлаштириш" усули усулига оид ўзига хос хусусиятлар ҳақида маълумот бериб ўтилади. Кўп бўгинли сўзлар мураккаб тушунча ва ҳодисаларни тўлароқ ифодалашига қарамай, мулоқот жараёнида муайян қийинчиликларни юзага келтириши маълум. Тил лексикаси мавжуд сўзларга турли аффикслар қўшиш, бошқа тиллардан ўзлашмалар, янги терминларнинг пайдо бўлиши ва сўз ёки сўз бирикмаси шаклини қисқартириш орқали доимий равишда бойиб бориши кузатилади. Айнан контракция орқали ясалган сўзлар мулоқотнинг қулай ва тежамкор воситаси бўлиб хизмат қилади. Морфемали контракция маъно ва мазмунга таъсир кўрсатмайдиган элементлардан ҳалос бўлишда муҳим рол ўйнайди.

Калит сўзлар: морфема, бўгин, сўз бирикмаси, контракция, ўзлашма, термин, ўзак.

О ГЛУБОКИХ И ИСКАЖЕННЫХ МЕТОДАХ МОРФЕМНОГО СОКРАЩЕНИЯ У КИТАЙЦЕВ

Бакаева Барно Бахтиёр қизи

Докторант Кафедра китайского языка и литературы

Ташкентского государственного института востоковедения

barnodustmatova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена морфемной контракции, которая представляет собой один из широко используемых способов словообразования в китайском языке. Научное исследование направлено на выявление позиций и анализирование взглядов китайских исследователей; характеристики целей, описанных в методологии; анализирование методов морфемной контракции; анализирование лексико социальных и политических текстов.

Ключевые слова: морфема, контракция, заимствованное слово, термин, корень слова, сокращенное слово, словосочетание, компонент.

ON THE DEEP AND DISTORTED METHODS OF MORPHEMIC CONTRACTION IN THE CHINESE

Bakaeva Barno

Doctoral student, Department of Chinese Language and Literature,
Tashkent State Institute of Oriental Studies
barnodustmatova@gmail.com

ANNOTATION

This article is devoted to the morpheme contraction, which is one of the widely used methods of word formation in Chinese. The article describes in detail the features of grammatical morpheme contraction in Chinese. The scientific goal is "separation of the ultimate help" and analysis of the characteristics of the methodology. Scientific research is aimed at identifying positions; analyzing the views of Chinese researchers; characteristics of the objectives described in the methodology; analyzing the methods of morpheme contraction; analyzing the vocabulary of social and political texts; For the analysis were used methodology: analysis, descriptive method, descriptions, analyzes of components, texts and methodology.

Key words: morpheme, contraction, loan word, the term, the root of the word, phrase, component, abbreviated word.

Кириш. Мақола хитой тилида кенг тарқалган сўз ясашиш усулларидан бири бўлмиш морфемали контракциянинг “ажратиш орқали қисқартириш” ва “бирлаштириш” усулига оид ўзига хос хусусиятлар ҳақида. Илмий мақоладан кўзланган мақсад хитой тилида морфемали контракция усулларининг ифодаланиш хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Илмий-тадқиқот иши мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифалар белгиланди: Хитой тилшунослигида назарий қарашларни таҳлил этиш. Усулларнинг ифодаланиш хусусиятларини ўрганиш; Морфемали контракция усулларини хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий матнлардаги мисоллар орқали таҳлил этиш.

Усуллар: Мавзуга оид тўпланган материаллар ҳозирги замон тилшунослик фанида кенг қўлланаётган тавсифий, таснифий, таҳлилий, компонент, таржима, жадвалга солиш, квантитатив методлари ёрдамида таҳлил этилди. Мазкур илмий тадқиқот ишида мавзуга алоқадор морфемали контракция оид атамалар, турли усуллар тавсифий метод ёрдамида тавсифланди. Морфемали контракциянинг усуллари изланишлар асосида қайта таснифланиб, ҳар бир усул доирасида ўхшаш ва фарқли хусусиятларга таяниб бир неча турларга ажратилди. Морфемали контракция усуллари ўрганилиб, турли мисоллар орқали таҳлил этилди. Морфемали контракция усуллари, структур моделлари мураккаб қисқартма сўзлар таркибидаги бўғинлар сонига кўра таҳлил этилди.

Натижалар ва мунозара: Хитой тилида морфемали контракциянинг куйидаги усуллари мавжуд: 抽取法 chōuqūfǎ “ажратиш орқали қисқартириш” усули; 合并法 hébīngfǎ “бирлаштириш” усули; 数字统括法 shùzì tōngkuōfǎ “сон ёрдамида умумлаштириш” усули ҳамда махсус усуллар. Мазкур мақолада морфемали контракциянинг 抽取法 chōuqūfǎ “ажратиш орқали қисқартириш” ва 合并法 hébīngfǎ “бирлаштириш” усулига оид ўзига хос хусусиятларни кўриб чиқамиз.

抽取 chōuqū “ажратиш орқали қисқартириш” усулида оригинал сўздан муҳим компонент олиниб янги қисқартма сўз ҳосил қилинади. Бу усул қисқартма сўз ясалишида энг кўп қўлланадиган ва энг асосий усуллардан бири. 缩合 “қисқартириш” усули деб ҳам номланади. Морфемали контракциянинг ушбу усулида сўз ёки сўз бирикмаси компонентларга (морфемалар, сўзлар ёки сўз бирикмаларига) ажратилади, сўнг улардан бир қисми тушириб қолдирилади, қолганлари эса бириккан ҳолда янги қисқартирилган сўзни ҳосил қилади. Масалан, 节约用电 jiéyüē yòngdiàn “электр токини тежаш”, 节约 jiéyüē “тежаш” ва 用电 yòngdiàn “электр токи” тарзида ажратилади, сўнг 约 用 морфемалари тушириб қолдирилади, қолган морфемалар бирга қўшилиб, янги мураккаб қисқартирилган сўз 节约 yòngdiàn “электр токини тежаш” ҳосил бўлади. Фонетика нуқтаи назаридан бу қисқартириш бўғинли ҳисобланади, яъни қисқартириш бирлиги бўғиндир. 缩合 suōhé “қисқартириш, камайтириш орқали бирлаштириш, қўшиш” каби маъноларни англатиб, морфемали контракциянинг энг кўп учрайдиган усули ҳисобланади. Унда морфемали контракция хусусиятлари аниқ намоён бўлади. Морфемаларнинг жойлашувига қараб ҳар хил турларга бўлинади, турли моделлар бўйича амалга ошади.

Ушбу турнинг усулларида сўз ёки сўз бирикмасидан ажратиладиган таркибий қисмлар турлича бўлгани сабаб у ўз ичида яна куйидаги усулларга бўлинади:

1) Морфемани ажратиб олиш усули. Бу усулда сўз ёки сўз бирикмасининг ҳар бир компонентидан фақатгина морфема ажратилади. Танлаб олинган морфема қисқарувчи бирликни (сўз ёки сўз бирикмаси) ифодалаб келувчи марказий морфема бўлсада, унинг жойлашиши турлича бўлади:

Бошланғич морфемаларни кўшиш. 环境保护 huánjìng bǎohù “атроф-мухитни муҳофаза қилиш” деб таржима қилинади. Бунда 环境huánjìng “атроф-мухит” ва保护bǎohù “муҳофаза қилиш” сўзлари ажратилади ва境jìng ва护hù морфемалари туширилиб, 环保huánbǎo сўзи ҳосил бўлади. 环境卫生huánjìng wèishēng “атроф-мухит санитария шароитлари” ҳам шу тарзда таҳлил қилинади: 环境huánjìng “атроф мухит” ва 卫生wèishēng “санитария” сўзларининг 环huán ва卫wèi бошланғич морфемалари кўшилади, 环huánwèi янги шакл ясалади. 小学教师xiǎoxué jiàoshī “бошланғич мактаб ўқитувчиси”, бунда ҳам小学xiǎoxué “бошланғич мактаб” ва 教师jiàoshī “ўқитувчи” сўзлари ажратилиб, 学xué ва师shī морфемалари туширилиб, 小教xiǎojiào ҳосил бўлади. Мисоллар: 公共关系gōnggòng guānxi – 公关gōngguān (жамият билан алоқалар); 智力商数zhìlì shāngshù – 智商zhìshāng (ақлий қобилият даражаси); 交通警察jiāotōng jǐngchá – 交警jiāojǐng (йўл автопатрул хизмати ходими); 博士生导师bóshīshēng dǎoshī – 博导bódǎo (докторант илмий раҳбари).

Биринчи сўзнинг бошланғич морфемаси ва иккинчи сўзнинг охириги морфемасининг бирлашиши. 能源消耗néng yuán xiāo hào “энергия ресурсларини сарфлаш” бирикмасида 能源néng yuán “энергия ресурси” ва消耗xiāo hào “сарф этмок” сўзларини ажратган ҳолда, 能源néng yuán сўзининг бошланғич морфемаси 能néng ҳамда 消耗xiāo hào сўзининг сўнгги морфемаси 耗hào бирикиб 能耗néng hào “энергия ресурсларини сарфлаш” ҳосил бўлади. Мисоллар: 联合经营liánhé jīngyíng – 联营liányíng (ҳамкорликдаги корхоналар); 粮食蔬菜liángshí shūcài – 粮菜liángcài (озик-овқатлар); 台湾同胞Táiwān tóngbāo – 台胞táibāo (тайванликлар); 驾驶学校jiàoshǐ xuéxiào – 驾校jiàxiào (хайдовчилик мактаблари).

1. Биринчи сўзнинг охириги морфемасининг кейинги сўзнинг бошланғич морфемаси билан бирлашиши. 民警mín jǐng қискартмаси 人民警察rénmín jǐngchá “халқ полицияси”, яъни 人民rén mín “халқ” сўзининг иккинчи ва 警察jǐng chá “полиция” сўзининг биринчи морфемасининг бирикишидан ҳосил бўлган; 书展shū zhǎn “китоб кўргазмаси” – 图书tú shū “китоб” сўзининг 书shū ва 展览会zhǎn lǎn huì “кўргазма” сўзининг 展zhǎn морфемаларидан ҳосил бўлган; Мисоллар: 高峰会议gāofēng huìyì – 峰会fēnghuì (саммит); 对外贸易duìwài mào yì – 外贸wàimào (халқаро савдо-сотик), 下降幅度xiàjiàng fú dù – 降幅jiàng fú (пасайиш даражаси); 历史地理lìshǐ dìlǐ – 史地shǐdì (тарихий география).

2. Иккита сўзнинг охирги морфемаларининг бирлашиши: 调号diào hào – 声调符号shēngdiào fúhào “тон белгилари (ишоралари)” 声调shēng diào “оҳанг, тон” ва 符号fú hào “белги, ишора” сўзларининг охирги морфемалари бирлашади; Мисоллар: 保护森林bǎohù sēnlín – 护林hùlín (ўрмонни муҳофаза қилмоқ); 向外销xiàngwàixiāo – 外销wàixiāo (экспорт); 电影明星diànyǐng míngxīng – 影星yǐngxīng (кино юлдуз); 等待就业děngdài jiùyè – 待业dàiyè (ишга киришни кутмоқ).

3. Биринчи сўзнинг бошланғич морфемасининг иккинчи сўзнинг бошланғич ва сўнги сўзнинг охирги морфемалари билан бирлашиши. Ушбу тур асосан ташкилот, жамоат, бирлашмаларнинг номларини ифодалашда қўлланилади: 人民代表大会rén mín dài biǎo dà huì – 人民rén mín “халқ” ва 代表dài biǎo “вакил” сўзларидаги бошланғич морфемалар人rén ва 代dài ҳамда大会dà huì “йиғилиш, мажлис, конференция” сўзининг охирги морфемаси会huì бирикиб, 人代会rén dài huì “халқ вакилларининг йиғилиши” ҳосил бўлади;

Баъзи бир бирикмалар учдан ортиқ сўздан ясалган, шаклан мураккаб бўлади. Шу каби сўзларга ҳам баъзида ажратиш усули қўлланади. Танланган морфемаларнинг ўрни аниқ бўлмайди, юқорида келтириб ўтилган бир неча усуллар умумлаштирилиб қўлланади, масалан: 亚洲开发银行Yàzhōu kāifā yínháng – 亚行Yàháng (Осиё Тараққиёт Банки), 清理拖欠贷款qīnglǐ tuōqiǎn dàikuǎn – 清欠qīngqiǎn (ушланиб қолган кредит тўловини ёпмоқ), 个人作品展览gèrén zuòpǐn zhǎnlǎn – 个展gèzhǎn (индивидуал кўргазма), 博士研究生导师bóshì yánjiū shēngdǎoshī – 博导bódǎo (докторант илмий раҳбари), 保险业务种类bǎoxiǎn yèwù zhǒnglèi – 险种xiǎnzhǒng (суғурта турлари).

2) Сўзни ажратиш орқали қисқартириш усули. Бу турдаги морфемали контракция усулида сўз асосий компонент сифатида таркибдан ажратиб олинади. Бу турдаги қисқартмаларнинг оригинал сўчзи, одатда, нисбатан мураккаб бўлиб, учдан ортиқ сўздан ташкил топган бўлади.

Охирги сўзнинг ажратиб олиниши. 中国工农红军Zhōngguó gōngnóng hóngjūn – 红军hóngjūn (Хитой халқ кизил армияси); 中国人民解放军Zhōngguó rénmin jiěfàngjūn – 解放军jiěfàngjūn (Хитой халқ халоскорлар армияси);

《马氏文通》Mǎ shì wén tōng – «文通》wén tōng (Жаноб Ма грамматикаси);

经济特区jīngjì tèqū – 特区tèqū (махсус иқтисодий зона);

欧洲经济共同体 Ōuzhōu jīngjì gòngtóngtǐ – 共同体gòngtóngtǐ (Европа иқтисодий жамяти);

Биринчи сўзнинг ажратиб олиниши.

清华大学Qīnghuá dàxué – 清华Qīnghuá (Тсинхуа университети);

同济大学Tóngjì dàxué – 同济Tóngjì (Тонгжи университети);

南开大学Nánkāi dàxué – 南开Nánkāi (Нанкай университети);

复旦大学Fùdàn dàxué – 复旦Fùdàn (Фудан университети);

商务印书馆Shāngwù yìnshūguǎn – 商务Shāngwù (бизнес нашриёти);

《说文解字 shuōwén jiězì》 – «说文» shuōwén (Хитой иероглифларининг келиб чиқиш луғати).

Ўртадаги сўзнинг ажратиб олиниши.

《古今韵会举要》 gǔjīn yùnhuì jǔyào – «韵会» yùnhuì (қофиялар йиғиндиси тўплами);

中国大百科全书Zhōngguó dàbǎikē quánhū – 大百科dàbǎikē (Хитой катта энциклопедияси);

《三宝太监西洋记通俗演义》 sānbǎo tàijiàn xīyángjì tōngsú yǎnyì – «西洋记» xīyángjì (Уч монахнинг ғарб ҳақидаги анъанавий сахна кўрениши).

Биринчи ва охириги сўзнинг ажратиб олиниши.

人造地球卫星rénzào dìqiú wèixīng – 人造卫星rénzào wèixīng (ернинг сунъий йўлдоши);

欧洲经济共同体Ōuzhōu jīngjì gòngtóngtǐ – 欧洲共同体Ōuzhōu gòngtóngtǐ (Европа иқтисодий жамяти);

《暂拟汉语教学语法系统》 zànnǐ hànyǔ jiàoxuéfǎ xitǒng – «暂拟系统» zànnǐ xitǒng (вақтинчалик хитой тилини ўқитиш усуллари тизими).

Ушбу усулнинг иккинчи турида сўз тушиб қолади, яъни бутун сўзни (одатда, иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган сўзни) тушириб қолдирувчи модел. Бу модел бўйича ташкилотлар, идораларнинг номлари, шунингдек, илмий-техник терминология тузилади, масалан:

Охириги сўз тушириб қолдирилади: 高等专科学校gāo děng zhuān yè xué xiào – 高等gāo děng “олий даража”, 专业zhuān yè “мутахассислик”, 学校xué xiào “мактаб, муассаса” – 高专gāo zhuān олий ўқув муассаси; Бунда охириги сўз 学校xué xiào тушиб қолдирилади. Биринчи сўз тушириб қолдирилади: 中国工厂党中央军事委员会zhōng guó gōng chǎng dǎng zhōng yāng jūn shì wěi yuán huì – “Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ҳарбий Кенгаши” нинг қисқартирилган кўрениши – 中央军委zhōng yāng jūn wěi. Ўртада турган сўз тушириб қолдирилади: 抗日军政大学kàng rì jūn zhèng dà xué “Японияга қаршилик кўрсатиш ҳарбий сиёсий академияси” мураккаб бирикмасининг қисқартирилган кўрениши抗大kàng dà бўлиб, ўртадаги сўз тушиб қолади;

4) Биринчи ва ўртада турган сўз тушириб қолдирилади: 中国人民共和第六届全国人民代表大会 zhōng guó rén mín gòng hé guó dì liù jiè quán guó rén mín dài biǎo dà huì – “Хитой Халқ Республикаси бутун мамлакат вакиллари олтинчи умумий йиғилиши” ушбу кўринишда қисқаради: 六届人大 liù jiè rén dà.

3) Морфема ва сўзни аралаш ажратиш усули: Бу турдаги қисқариш усулида ажратиб олинадиган компонент ҳам морфема, ҳам сўз бўлиши мумкин. Баъзида эса кўп бўғинли бир морфема сўзларга тегишли бўғинлар ҳам ажратиб олинishi мумкин. Шундай бир неча турдаги компонентларни аралаш ажратиб олиниб ўзига хос қисқартма сўз ҳосил қилинади. Масалан:

Биринчи сўзнинг ҳар бир кейинги сўзнинг бошланғич морфемалари билан бирлашиши: 中国作家协会 zhōng guó zuò jiā xié huì – “Бутун Хитой ёзувчилар уюшмаси”; 中国 zhōng guó “Хитой” сўзи 作家 zuò jiā “ёзувчи” сўзининг бошланғич морфемаси 作 zuò, 协会 xié huì “уюшма” сўзининг илк морфемаси 协 xié билан бирлашиб, 中国作协 zhōng guó zuò xié “Бутун Хитой ёзувчилар уюшмаси” кўринишига киради.

Биринчи сўзнинг кейинги сўзнинг охири морфемаси билан бирлашиши: 供销合作社 gōng xiāo hé zuò shè бирикмасида 供销 gōng xiāo “таъминлаш ва сотиш” сўзи 合作社 hé zuò shè “кооператив” сўзининг сўнги морфемаси 社 shè билан бирлашади: 供销社 gōng xiāo shè “таъминлаш ва сотиш бўйича кооператив”;

4. Биринчи сўзларнинг бошланғич морфемаларининг охири сўз билан бирлашиши: 降低噪音系数 jiàng dī zào yīn xì shù – 降噪系数 jiàng zào xì shù шовқиннинг пасайиш коэффициенти; 降低 jiàng dī “пасайиш” ва 噪音 zào yīn “шовқин” сўзларининг бошланғич морфемалари 系数 xì shù “коэффициент” билан бирлашади. Мисоллар: 非洲统一组织 fēizhōu tǒngyī zǔzhī – 非统组织 fēitǒngzǔzhī (Африка бирлашуви ташкилоти); 巴勒斯坦解放组织 Bālèsītǎn jiěfàng zǔzhī – 巴解组织 bā jiě zǔ zhī (Фаластин халоскорлар ташкилоти).

Биринчи сўзларнинг охири морфемаларининг охири сўз билан бирлашиши: 记录重放磁头 jìlù chóngfàng cítóu – 录放磁头 lù fàng cí tóu “товуш чиқаришнинг магнитли ёзиш каллаги”; 记录 jì lù ва 重放 chóng fàng сўзларидаги 录 lù ва 放 lù fàng морфемалари 磁头 cí tóu билан бирлашади. Мисоллар: 电化教育资料中心 diàn huà jiàoyù zīliào zhōngxīn – 电教中心 diàn jiào zhōngxīn (Электрон маълумотлар маркази); 国家语言文字工作委员会 guójiā yǔyán wénzì gōngzuò wěiyuánhui – 国家语委 guójiāyǔwěi (Давлат тил ва ёзув ишлари қўмитаси).

Юқорида келтирилган моделлардан кўриниб турибдики, қайси позицияда нечта морфема тушириб қолдирилишидан қатъий назар ҳамиша энг муҳимлари, мазкур иборага хослари, унинг мазмунини ўзгартирмайдиганлари қолади. Морфемали контракциянинг 抽取法 “ажратиш орқали қисқартириш” усули нисбатан унумдор бўлиб, аксарият мураккаб сўзлар ушбу усулнинг моделлари орқали қисқартирилади. Маъно жиҳатидан энг муҳим компонентлар сақланиб қолиниши морфемали контракциянинг семантик хусусиятидан дарак беради. Қисқартириш ҳар қандай тил ривожланишининг умумий қоидаларидан бири саналади. Унинг моҳияти максимал миқдордаги маълумотни (маъновий ифода) тилнинг моддий қобиғидан (товуш ва график шакл) минимал фойдаланган ҳолда етказишни таъминлаш, яъни тилнинг коммуникатив вазифасининг самарадорлигини оширишдир.

Тилнинг асосий бирликлари, сўз, ибора, гапнинг ясалиши бирикиш йўли билан амалга оширилади, контракция эса тилнинг одатий қонуниятларидан ташқари ўзига хос қисқариш усуллари ва моделлари орқали ҳосил бўлади. Контракция янги сўз ясалишининг асосий жараёнларидан бири бўлиб, хитой тилида бўғинлар қисқариши талабига мувофиқ рўёбга чиқади. Динг Сиужу контракция ўзининг ясалиш усулларига эга, қисқариши, бўғин тушиб қолиши, сонлар ёрдамида умумлашиш, шу билан бирга ҳар бир ясалиш усули ўзига қатор моделларни мужассамлаштиради, деб изоҳлаган.

合并法hebingfa “бирлаштириш” бир неча тенг ҳуқуқли сўзлар компонентларининг бирикиш жараёни ҳисобланувчи морфемали контракция усулидир. Ушбу қисқариш усули турли хил бўлгани учун қуйидаги ҳолатларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

同素归纳式tóngsù guīnà shì Умумий компонентга ажратилган модел. Сўзнинг охириги компоненти ҳар бир келтирилган сўзнинг охириги компонентлари билан бир хил бўлса, уларни умумлаштириш мумкин ва бу умумий морфемани ташкил этади. Морфема умумлаштирилганидан сўнг ҳосил қилиниш усули морфемали контракциядир.

离休líxiū, 退休tuìxiū – 离退休lítuìxiū (нафақага чиқмоқ); 初中chūzhōng, 高中gāozhōng – 初高中chūgāozhōng (бошланғич ва олий таълим); 婴儿yīngér, 幼儿yùèr – 婴幼儿yīngyùèr (гўдак); 进口jìnkǒu, 出口chūkǒu – 进出口jìnchūkǒu (экспорт ва импорт); 军属jūnshǔ, 烈属lièshǔ – 军烈属jūnlièshǔ (вафот этган ҳарбийлар оила аъзолари); 国内guó nèi, 国外guó wài – 国内外guó nèi wài (мамлакат ичида ва ташқарисида); 冤案yuānàn, 假案jiǎ'àn, 错案cuò'àn – 冤假错案yuānjiǎcuò'àn (ишни қалбакилаштириб хато жазо белгилаш); 中档次zhōngdàngcì, 高档次gāodàngcì – 中高档次zhōnggāodàngcì (ўрта ва юқори синф);

主素归纳式 Асосий компонент ажратилган модел. Ҳар бир келтирилган оригинал сўзнинг асосий компонентлари умумлаштирилади, сўзларнинг семантик жиҳатдан бир турга мансублиги ушбу контракция усулининг асосий шарти ҳисобланади.

亚洲 Yāzhōu, 非洲 Feizhōu, 拉丁美洲 Lādīng Měizhōu – 亚非拉 Yā Fēi Lā Осиё, Африка, Лотин Америкаси; Ушбу мисол умумий компонент “洲” Zhou “материк” тушириб қолдирилади.

Хитой тилида мураккаб қисқартма сўзлар ясалиш қонуниятлари ҳамда грамматик хусусиятларга эга. Мураккаб сўз ва сўз бирикмаларининг структуравий алоқаси, одатда, беш хил бўлади: боғловчи (копулятив) модел, атрибутив модел, феъл-объектли модел, феъл-натижавий модел ва субект-предикатив модел. Лекин замонавий хитой тили морфемали контракциясида фақатгина тўрт хил сўз ясалиш модели копулятив, феъл-объектли, атрибутив, субект-предикатив моделлари мавжуддир.

Копулятив модел:

妨碍扰乱 fāngài rǎoluàn – 妨碍 fāngǎo (ҳалақит бермоқ); 科学技术科学技术 kēxué jìshù – 科技 kējì (фан ва технология); 妇女幼儿 fùnǚ yòuér – 妇幼 fùyòu (аёллар ва болалар/ она ва бола); 香港九龙 Xiānggǎng Jiǔlóng – 港九 gǎngjiǔ (Гонконг ва Коулун);

Феъл-объектли модел: 筹集资金 chóuzī zījīn – 集资 jíjí (маблағ йиғини); 投入生产 tóurù shēngchǎn – 投产 tóuchǎn (ишлаб чиқаришга инвестиция қиритмоқ) 节制生育 jiézhì shēngyù – 节育 jiéyù (туғилиш кўрсаткичларини чекламоқ);

提拔干部 tíbá gǎnbù – 提干 tígàn (ишчини раҳбарлик лавозимига кўтармоқ);

Атрибутив модел: 全体会议 quántǐ xùyì – 全会 quánhùi (ассамблея/ пленум); 香港商人 Xiānggǎng shāngren – 港商 gǎngshāng (Гонконглик ишбилармон); 地下铁道 dìxià tiě dào – 地铁 dìtiě; 网上聊天 wǎngshàng liáotiān – 网聊 wǎngliáo (интернет орқали суҳбатлашмоқ); 农业机械 nóngyè jīxiè – 农机 nóngjī (агросоноат ускуналари);

Субект-предикатив модел:

能源消耗 néngyuán xiāohào – 能耗 nénghào (энергия сарфламоқ); 电能耗损 diànnéng hàosǔn – 电损 diànsǔn (электр энергиясини сарфламоқ); 死刑缓期执行 sǐxíng huǎnqī zhíxíng – 死缓 sǐhuǎn (ўлим жазоси); 工人转为干部 gōngrén zhuǎnwéi gǎnbù – 工转干 gōngzhuǎngān (ишчини раҳбар лавозимига тайинламоқ); 农业户口转为非农业户口 nóngyè hùkǒu zhuǎnwéi fēinóngyè hùkǒu – 农转非 nóngzhuǎnfēi (қишлоқ пропискасини шаҳар пропискасига ўзгартирмоқ);

Юқорида келтирилган мисоллардан шуни кўриш мумкинки, замонавий хитой тилида морфемали контракциясининг структуравий алоқаси, одатда, оригинал сўзники билан бир хил бўлади. Фақат копулятив моделдаги сўзнинг “бирлаштириш” усули орқали ясалган қисқартмаси структуравий алоқаси жиҳатидан атрибутив моделда бўлади, масалан: “军属烈属jūnshǔ lièshǔ→军烈属jūnlièshǔ” (вафот этган ҳарбийларнинг оила аъзолари); “中学小学zhōngxué xiǎoxué→中小学zhōngxiǎoxué” (бошланғич ва ўрта мактаб) ва ҳ.к. Бундай ҳолатлар одатда кўп эмас.

Гап бўлаклари хитой тили грамматикасининг муҳим категорияси саналади. Сўз ва сўз бирикмаси категориясига кирувчи бирликлар гап бўлаклари сифатида ўзининг грамматик функциясига эга: гапдаги жойлашиши, гапда маълум бир синтактик вазифани бажара олиши ёки муайян грамматик тил бирликлари билан бирикиши. Хитой тилида мураккаб қисқартма сўзлар отлашган, феъллашган, сифатлашган турдаги гап бўлақларига бўлинади:

Отлашган мураккаб қисқартма сўзлар равиш билан (масалан: “不” bú (йўқ), “很” hěn (жуда) ва вақтни ифодаловчи ёрдамчи сўз билан бирика олмайди (масалан: “了” le (ўтган замонни ифодаловчи қўшимча), “着” zhe (давомийликни ифодаловчи қўшимча)). Одатда миқдорни ифодаловчи сўзлар билан бирикади: 三十五名干警 sānshíwǔ míng gànjǐng (ўттиз бешта хавфсизлик хизмати ишчиси); 三中全会 sān zhōngquánhùi (учинчи умумхитой пленуми), 三条地铁 sān tiáo dìtiě (уч метро йўли). Отлашган қисқартмалар гапда эга ва тўлдирувчи вазифасини бажаради, масалан: 中纪委发出通知 zhōngjìwěi fāchū tōngzhī (марказий назорат комиссиясининг эълони) (эга); 中国女排荣获世界冠军 zhōngguó nǚpái róng huò shìjiè guànjūn (Хитойнинг воллейбол бўйича аёллар жамоаси жаҳон чемпионлигини қўлга киритди) (эга); 3) 我国争取实现四化 wǒguó zhēngqǔ shíxiàn sìhuà (Хитой тўрт модернизатсияни амалга ошириш имконини қўлга киритди) (тўлдирувчи); 厂长非常关心青工 chángzhǎng fēicháng guānxīn qīnggōng (Завод раҳбари ёш ишчиларга жуда ҳам меҳрибон) (тўлдирувчи). Отлашган қисқартмалар аниқловчи вазифасида келиши мумкин, масалан: 世界人民要维护亚太地区的和平 shìjiè rénmín yào wéihù yàtài dìqūde héping (Дунё аҳолиси Осиё ва Тинч океани ҳудудидаги тинчликни асраши керак). 政府应当重视信访工作 zhèngfǔ yīngdāng zhòngshì xīnfǎng gōngzuò (Ҳокимият ОАВ ишига аҳамият бериши лозим). Кўришимиз мумкинки, отлашган мураккаб қисқартма сўзларнинг характери от сўз туркумидаги сўзлар характери билан кўп жиҳатдан ўхшашидир.

Феъллашган мураккаб қисқартма сўзлар равиш билан ҳам (даражани ифодаловчи равишлардан ташқари), вақтни ифодаловчи кўмакчилар билан ҳам бирика олади. Масалан: 即刻建交 jíkè jiànjīāo (建立外交关系 jiànlì wàijiāo guānxì) (зудлик билан дипломатик aloқаларни ўрнатмоқ). 大力超产 dàlì chāochǎn (超额生产 chāoé shēngchǎn) (бор куч билан ишлаб чиқариш режасини ортиғи билан бажармоқ). 汽车工业今年增产 qìchē gōngyè jīnnián zēngchǎn (增加生产 zēngjiā shēngchǎn) 了三十万辆 le sānshí wàn liàng (Автомобилсозлик саноатининг ишлаб чиқариши шу йили уч юз минг машинага ошди). 全歼 quánjiān (全部歼灭 quánbù jiānmìe) 了一个营的敌人 le yí gè yíng de dírén (Душман баталёнини кириб ташламоқ). Гапда феъллашган мураккаб қисқартма сўзлар кесим вазифасида келади: 百万民工奋力支前 bǎiwàn míngōng fènli zhīqián (Миллионлаб меҳнат мигрантлари бор кучи билан фронтни қўллаб қувватлашди). 国税系统轮训 guóshuì xitǒng lúnxùn (轮流培训 lúnliú péixùn) 了第三批公务员 le sān pī gōngwùyuán (Давлат солиқ тизими малака ошириш курсларида уч нафар давлат ишчиси малака оширди). Феълли қисқартмалардан олдин ҳол келиши ҳам мумкин: 限期扭亏 xiànqī niǔkuī (扭转亏损 niǔzhuǎn kuīsǔn) (чекланган вақт ичида зарарни фойдага айлантирмоқ). 限期扭亏 xiànqī niǔkuī (扭转亏损 niǔzhuǎn kuīsǔn) (жиддий ҳар томонлама кўриб чиқиш). Кўриш мумкинки, феъллашган қисқартма сўзлар феълнинг характери билан ўхшаш грамматик хусусиятларга эга. Фарқли томони шундаки, феъл, одатда, такрорланиб келади (редупликация), масалан: 走走 zǒu zou (юрмоқ), 商量商量 shāngliang shāngliang (муҳокама қилмоқ), 唠唠叨叨 làoláo dāodāo (кўп гапирмоқ). Лекин, феъллашган қисқартма сўзлар такрорланиб келиш (редупликация) хусусиятига эга эмас, бу феъллашган хитой тили мураккаб қисқартмаларининг фарқ қилувчи грамматик хусусиятидир.

Сифатлашган мураккаб қисқартмаларнинг сони нисбатан кам, одатда, аниқловчи вазифасида келади. Масалан: 舒适爽快 shūshì shuǎngkuài → 舒爽 shūshuǎng (шинам ва қулай); 高级 gāojí, 精密 jīngmì, 尖端 jiānduān → 高精尖 gāojīngjiān (юқори аниқ ва ўткир) ва ҳ.к. Аммо, сифатлашган қисқартмалар такрорланмайди, мана шу жиҳатлари билан сифат гап бўлагидан фарқ қилади. Сифатларнинг аксариятини такрорлаш мумкин, масалан, биз “很漂亮” hěn piàoliang (жуда чиройли) ни “漂漂亮亮” piàopiào liàngliàng дейишимиз мумкин, лекин хитой тили мураккаб қисқартма сўзи бўлган “很高精尖” hěn gāojīngjiān (юқори аниқ ва ўткир) га нисбатан биз “高高精尖尖” gāogāo jīngjīng jiānjiān дея олмаймиз, кўриш мумкинки, оригинал сўз, сифатлашган сўз ёки сўз бирикмаси контракцияга учраганидан сўнг гап бўлаклари характери жиҳатидан чекланишларга учрайди.

Замонавий хитой тили морфемали контракциясида компонентлараро муносабатнинг фақатгина тўрт хил модели кузатилди: копулятив, феъл-обектли, атрибутив, субект-предикатив моделлари. Хитой тилида мураккаб қисқартма сўзлар отлашган, феъллашган, сифатлашган турдаги гап бўлакларига бўлинади.

Танлаб олинган ижтимоий-сиёсий матнлар асосида умумий 1832 та мураккаб қисқартма сўз ажратиб олинди ва морфемали контракция усуллари асосида квантитатив таҳлил этилди, ундан бир турдаги компонентларни бирлаштириш усули асосида ясалган мураккаб қисқартма сўзларнинг сони 55 тани ташкил этади, яъни умумий мураккаб қисқартма сўзлар микдорининг 2.71%; 离退休lí tuì xiū – 离休退休líxiū tuìxiū (нафақага чиқмоқ); 上下级shàngxiàjí – 上级下级shàngjí xiàjí (юкори ва куйи поғона); 出入境chūrùjìng – 出境入境chūjìng rùjìng (чегарадан кириб чиқиш); 差旅费chāilǚfèi – 差旅费chāifèi lǚfèi (йўл харажатлари); 理工科lǐgōngkē – 理工科lǐkē gōngkē (табiiй фанлар ва технология); 动植物dòngzhíwù – 动物植物dòngwù zhíwù (ўсимлик ва хайвонлар); 全面做好离退休干部工作 (Нафақага чиқиш бўйича ишларни комплекс пухта бажармоқ) .

推进公民身份tuījìn gōngmín shēnfèn (фуқароликка тавсия этмоқ), 出入境管理chūrùjìng guǎnlǐ (чегарадан кириб чиқишни бошқариш), 车辆登记等信息共享chēliàng dēngjì dēng xìnxī gòngxiǎng (Машинани рўйхатдан ўтказилганлиги ва бошқа маълумотларни тақдим этиш), 合力化解执行难héli huàjiě zhíxíng nán (амалга ошириш қийинчиликларини самарали ҳал этмоқ). Биринчи мисолда келтирилган “离退休” lítuìxiū – “离休退休” líxiū tuìxiū (нафақага чиқмоқ)нинг қисқартмаси, иккинчи мисолда келтирилган “出境入境” chūjìng rùjìng (чегарадан кирмоқ, чиқмоқ)нинг қисқартмаси, иккаласи ҳам бир турдаги компонентларни бирлаштириш усули ёрдамида ясалган мураккаб қисқартма сўзлардир.

Замонавий хитой тилининг ижтимоий-сиёсий матнларида морфемали контракция ва мураккаб қисқартма сўзлар квантитатив таҳлили бўйича олинган натижаларига кўра икки бўғинли мураккаб қисқартма сўзлар устунликка эга, отлашган ва феъллашган мураккаб қисқартма сўзлар кўпчиликни ташкил этади, атрибутив модели мураккаб қисқартма сўзлар микдоран кўп, асосий морфемани олиш усули билан ясалган мураккаб қисқартма сўзлар асосий қисмни ташкил этади.

Морфемали контракциянинг 抽取法chōuqǔfǎ “ажратиш орқали қисқартириш” усули асосида ясалган сўзлар сони умумий 1823 та мураккаб қисқартма сўздан 1724 тани ташкил этади, яъни умумий микдорнинг 95.13%; морфемали контракциянинг 合并法hébingfǎ “бирлаштириш”

усули асосида ясалган сўзларнинг сони 55 тани ташкил этади, яъни умумий мураккаб қисқартма сўзлар миқдорининг 2.71%; морфемали контракциянинг 数字统括法 shùzì tǒngkuòfǎ “сон ёрдамида умумлаштириш” усули асосида ясалган сонли қисқартма сўзларнинг сони 44 тани ташкил этади, яъни умумий мураккаб қисқартма сўзлар миқдорининг 2.16% и ҳисобланади. умумий ҳолатдан шуни кўриш мумкинки, мураккаб қисқартма сўзлар орасида抽取法 chōuqǔfǎ “ажратиш орқали қисқартириш” усули ёрдамида ясалган сўзлар асосий қисмни ташкил этади (95.13%) ва ушбу усулнинг унумдор эканидан далолат беради (Жадвал №1).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация. – Т.: Наврўз, 2017. – 134 б.
2. Горелов. В.И. Лексикология китайского языка. – М.: Просвещение, 1984. – 270 с.
3. Семенов А.Л. Лексика китайского языка. – М.: Восток и запад, 2005. – 320 с.
4. 葛本议. 汉语汉语词汇学. – 山东人民出版社, 1981. 256 页.
5. 闵龙华. 简略语. 北京. 2005. 244 页.
6. 现代汉语词典. 第6版, 2012. 667 页.
7. 钟嘉陵. 现代汉语缩略语词典. – 齐鲁书社, 1986. – 序言.
8. 袁辉. 现代汉语缩略语词典. 语文出版社, 2002. – 572 页.
9. 李熙宗, 孙连芬. 略语手册 – 论略语. – 知识出版社, 上海, 1986. – 520 页.

Жадвал №1

Morfemali kontraksiya усуллари	Мураккаб қисқартма сўзлар	
	Миқдори	Мураккаб қисқартма сўзларнинг фойз кўрсаткичи
抽取法 chōuqǔfǎ “Ажратиш орқали қисқартириш” усули	1724	95.13%
合并法 hébīnfǎ “Бирлаштириш” усули	55	2.71%
数字统括法 shùzì tǒngkuòfǎ “Сон ёрдамида умумлаштириш” усули	44	2.16%
Жами:	1823	100%